



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

## Биз аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаати учун курашамиз

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририятида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури ижроси: электорат манфаати — биз учун энг устувор масала» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партиянинг Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов олиб борди. — Хар бир сиёсий партия, аввало, Сайловолди дастури қай даражада ҳаётийлиги ва унинг ижроси билан жамиятда обрў-эътибор қозонади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим масалалардан бири — аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами кўллаб-қувватлаш, ҳимоя этишни ўз зиммасига олган. Дастир мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ай-

тадиган бўлсак, партиямиз гоёси халқимиз табиғатига хос бўлган меҳр-оқибат, бағрикенглик, ёрдамга муҳтожни суяш каби инсонларварлик тамойиллари билан йўғрилган. Масаланинг иккинчи томони, биз сайловчиларга берган ваъдаларни қай даражада бажаряёмиз, Сайловолди дастури ижросини таъминлаш бўйича қандай ишларни амалга оширадиган, қайси масалаларга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим? Бугунги давра суҳбатидан кўзланган мақсад ана шу саволлар атрофида фикр-мулоҳаза юритиш, таклифлар билдиришдир.



Самар ШОТУЛГАНОВ олган суратлар.

ЎзХДП ГУРУҲИ СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТДИ

Соғлом бола йили муносабати билан халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг 2014 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурига кўра, қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, яқинда партия гуруҳи ташаббуси билан Ҳаракат дастурида белгиланган муҳим масалалардан бири халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгаши сессиясига киритилди.

### Депутатлик назорати давлат дастури самарали ижро этилишига хизмат қилмоқда

«Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида туман тиббиёт бирлашмаси томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масала дастлаб партия гуруҳимиз йиғилишида муҳокама этилди, — дейди халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Манзура Оспанова. — Шундан сўнг халқ депутатлари туман Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиясига кўриб чиқилди. Урганиш натижалари таҳлил этилган, масалани сессия муҳокамасига олиб чиқиш юзасидан қарор қабул қилинди. — Давлат дастури ижроси туманда тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, туман кўп тармоқли поликлиникаси жарроҳлик бўлими мудири Муҳиддин Норматов. — Шу боис сессияда масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалик ҳимоясини таъминлаш соғлом бола тарбиясида муҳим экани қайд этилди. Шу билан бир қаторда сессияда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болалар, айниқса, қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, маданият муассасаларида замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди. Сессияда мазкур масалалар ижроси юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унинг ижроси партия гуруҳи назоратига олинди.

Латифжон МАНСУРОВ

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

### Қорақалпоғистон: Улкан лойиҳалар ва бунёдкорликлар



Бугун Қорақалпоғистон Республикаси катта қурилиш майдонига айланган. Устюрт кенгликларидagi «Сурғил» кони негиздаги Устюрт газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводининг иккинчи босқичи, «Фузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу» халқаро магистраль автотрассаси, Тахиятош иссиқлик электр станциясидаги реконструкция ишлари, намунавий лойиҳалар асосидаги қишлоқ турар-жойлари ва давлат инвестиция дастури асосидаги йирик ижтимоий объектлар...

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг дастурий мақсадларини, биринчи навбатда, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясининг ижтимоий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

БОИИХ ИЙМОИИИИ

Истиқлол байрами арафасида таълим, фан ва маданият ходимлари касаб-ушмаси Урганч туман кенгаши томонидан бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, тармоққа тегишли ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ҳамда истиқлол йилларида барпо этилган бунёдкорлик мажмуаларига саёҳат уюштирилди.

### Обод юрт манзаралари

қалбда фахр-ифтихор тўйгуларини юксалтиради

Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги янги бунёд этилган иншоотлар ва тарихий қадимжоларга касаб-ушма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларидан 75 нафарининг саёҳати ташкил этилди. Улар томошадан улкан таассуротлар билан қайтишди. Биз бу борадаги ишларимизни давом эттириб, келгусида Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда водий вилоятларига ҳам меҳ-

нат фахрийлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари саёҳатини уюштириш ниятидамиз.

Меҳрибон МАДАМИНОВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб-ушмаси Урганч туман кенгаши раиси, ЎзХДП туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

### Ёшлар таълим-тарбияси доимий эътиборда

Жорий ўқув йилида Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган 51 минг 947 ўқувчи таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинди.

— Битирувчиларни касб-хунар коллежи ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олишни самарали ташкил этишга қаратилган бир қатор ишларни амалга оширдик, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси

масъул ходими Мирза Қурбонов. — Ўқувчиларнинг ота-оналарига уч йиллик мажбурий бепул таълим, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар ва

унинг мазмун-моҳияти ҳақида янада кенг маълумотлар берилди. «Мутахассислигинг — сенинг келахагинг», «Қиз боланинг касби — унинг бахти» каби мавзуларда ўтказилган тадбирларда ёшларнинг касб-хунарга бўлган қизиқиш ва интилишлари хусусида сўз юритилди.

— Таълим муассасамизни жорий йилда 43 ўқувчи битирди, — дейди Қарши туманидаги 49-умумтаълим мактаби директори Жасур Қулмуродов. — Янги ўқув йилида улар лицей ва коллежларда ўзлари қизиққан соҳа бўйича ўқишни давом эттиради.

ЎзА

### Мустақиллик — озодлигимиз, ободлигимиз гарови

Ўтган йили «Ласетти» олдик. Бу бир йиллик даромаддан. Яна қишу ёз кўкатлар, помидор, бодринг дастурхонимизда муҳайё.

4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Дастур ижроси депутатлик назоратида



www.uzbekistonovozi.uz

### Сайловчи мурожаати доимий эътиборда



Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари-га 2010 йилдан буён 2780 дан ортиқ мурожаат тушди. Фуқаролар томонидан кўтарилган 2030 дан ортиқ масала ижобий ҳал этилди. Мурожаатлар бўйича тегишли ташкилотлар ва ижро ҳокимияти органларига 419 та депутатлик сўрови жўнатилди. Натижада аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами вакиллари йўлантираётган қўллаб масалалар ечим топди.

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.



# Биз аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаати учун курашамиз

**Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этишдаги фаол иштирокнинг таъминлаш — ЎзХДПнинг келгуси даврдаги стратегик сиёсий вазифаси ҳисобланади.**

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.



**Ўтбосар АБДИЕВ,**  
«Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

ри вилоят Кенгашининг ўтган йил 22 январда бўлиб ўтган XXIV сессиясида мазкур ҳаракат дастури қабул қилинди.

Бизнинг депутатларимиз ташаббуси билан халқ депутатлари барча туман ва шаҳар Кенгашлари ҳам мазкур масалани кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди. Бунинг натижасида қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш дастури асосида 20,7 км. ичимлик суви тармоқларини янгилаш ва инвестиция дастурига асосан республика бюджетидан ҳисобидан 18 та тик қудуқ қазичи, 13 та сув минораси ўрнатиш, 89,4 км. янги сув қувурлари тортиш, ушбу қурилиш ишларига ажратилган 7680,0 млн. сўм маблағ мақсадида сарфланиши устидан жамоатчилик ва депутатлик назорати изчил амалга оширилади.

Бу таърибга ҳар томонлама ўзини оқлагани боис халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг 2014 йил 17 февралдаги сессияси кун тартибига «Жизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги, замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали биринчи навбатда қишлоқ жойларида бандлик масаласини ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини самарадорлигини

ошириш юзасидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича ҳаракат дастури тўғрисида»ги масалани киритдик. Бу ҳақда сессиянинг тегишли қарори қабул қилинди. Айни пайтда юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича депутатлик назорати изчил амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида партия гуруҳимиз аъзолари жами 274 марта давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига депутатлик сўрови юборган. Эътибор бериб, шундан 49 таси айнан қонунлар ва бошқа давлат қарорларининг ижроси масаласига қаратилган. Ижтимоий аҳамиятга эга 17 та долзарб масалани доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқдик. 4 марта вилоят Кенгаши сессияларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш ташаббусини илгари сурдик, 4 та долзарб ижтимоий масала сессиялар кун тартибига киритдик. Буларнинг барчаси партиямиз Сайловолди дастури ижроси, электротартиб манфаати билан бевосита боғлиқ.

Бундай мисоллар бошқа вилоятларда ҳам оз эмас, албатта. Шу ўринда бир тақлиф айтмоқчиман. Партия гуруҳларининг бундай ибратли тажрибаларини оммалаштиришга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг дастурий мақсадларини, биринчи навбатда, Ўзбекистонда изчил амалга ошириладиган ислохотлар стратегиясининг ижтимоий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.**

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.



**Нурмуҳаммад АБДУЛЛАЕВ,**  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Зангиота туман бўлими раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

баъзи жойларда лоқайд қаралаётганини кўрсатди. Биз бу масалани, аввал, депутатлик гуруҳимиз йиғилишида мутахассислар, партия фаоллари иштирокида батафсил муҳокама қилдик, таклифларимизни ишлаб чиқдик. Кейин уни тегишли доимий комиссия мажлиси кун тартибига ва сессия муҳокамасига киритдик.

— Шу ўринда бир саволга аниқлик киритсак, бу ишлардан партиямиз электротартиб қандай манфаат кўради?

— Аввало, янги боғлар, узумзорлар ташкил этилиши билан қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади. Иккинчидан, бозорларимиз мева-чевага янада тўлади ва нарх-наво арзонлашади, халқимизнинг озик-овқат таъминоти янада яхшиланади. Бундан ташқари, мева-сабзавот етиштириш ҳажмининг кўпайиши уларни қайта ишлаш бўйича қўлаб қорхоналарни барпо этишга олиб келади. Натيجида партиямиз электротартиб вакиллари иш билан таъминланади, барқарор даромад манбаига эга бўлади. Ички бозор эҳтиёжидан ортан маҳсулот-

лар четга экспорт қилиниши эса мамлакатга кириб келаётган валюта ҳажминини янада оширади. Айни пайтда сессия қарори асосида кенг миқёсли ишлар изчил олиб борилаёпти. Биз қарор бажарилишини назорат қилаёلمиз ва маълум муддатдан кейин унинг натижаларини яна бир бор ўрганиб, зарур, деб ҳисобласак, сессия муҳокамасига қайта олиб чиқамиз.

2010-2014 йилларда партиямиз Сайловолди дастури ижроси, электротартиб манфаати, туманнинг ижтимоий-иқтисодий таъминоти билан бевосита боғлиқ, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган 4 та масалани халқ депутатлари туман Кенгашининг турли доимий комиссиялари, 5 та масала сессиялар муҳокамасига киритдик.

Ўз таърибимиздан келиб чиқиб тақлиф айтмоқчиман. Республикамиз турли ҳудудларидан эски боғлар бор. Депутатларимиз уларнинг фойда-зарарини ўрганиб, масала сессияларга олиб чиқса, бундан фақат фойда кўрилади.

— Партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган ҳамда «Фаол аёллар» қаноти олдига турган энг муҳим йўналишлардан бири хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда улар саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Тажрибадан яхши маълумки, аёллар бандлигини таъминлаш кўпгина ижтимоий муаммолар келиб чиқшининг олдини олади. Шунинг ҳисобга олиб, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари, депутатларимиз ҳамкорлигида айнан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида турли тадбирларни амалга оширяёلمиз.

— Ушбу масалалар билан боғлиқ амалий ишлардан мисоллар келтириб ўтсангиз.

— Партиямиз Сайловолди ваъдалари, гоёлари ҳаётда ўзифодасини топиши кўп жиҳатдан тарғибот-ташвиқот ишларига боғлиқ. Одамлар бизнинг Сайловолди дастури, гоёларимиз ҳаётини, инсонпарвар, долзарб эканини чуқур ҳис этса, уларнинг шунчалик фаол қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда вилоят партия кенгаши тарғиботчилар гуруҳи 21 нафар аъзодан иборат. Туман, шаҳар кенгашлари тарғиботчилар гуруҳларида 127

— Электротартиб муаммоларини ўрганишда Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни чоғда партия билан электротартиб вакиллари боғлаб туривчи восита сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Биргина 2013 йилда вилоят бўйича Жамоатчилик қабулхоналарига 442 та мурожаат тушган. Партия ташкилотлари, депутатларимиз сай-ҳаракатлари билан, турли идоралар кўмағида уларда кўтарилган 346 та муаммо ҳал этилди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида жами 261 та мурожаат тушган бўлиб, шулардан 222 тасида кўтарилган масалалар давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар ёрдамида ўз ечимини топди.

Умуман олганда Жамоатчилик қабулхоналари жойларда учрайдиган ижтимоий масалаларни чуқур ўрганишнинг амалда сигнал ва ўзини оқлаётган усули бўлиб хизмат қилапти. Тушган мурожаатларда кўтарилган энг дол-

— Бошланғич ташкилотимизда маҳалламизда истискомат қиладиган 18 нафар аъзо ҳисобда туради. Сиёсий партиянинг маҳалладаги қўйи бўғинининг энг асосий вазифаларидан бири ижтимоий вазият, электротартиб манфаати билан боғлиқ масалаларни, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар тенденцияларини доимий равишда ўрганиб, юқори партия ташкилотлари, депутатларга етказиб туришдан иборатдир. Чунки, партия ўз сиёсатини, узоқ ва яқин муддатга мулжалланган ҳаракат дастурларини белгилаб олишида одамларнинг кайфиятини, электротартиб фикр ва тақлифларини, ислохотлар кўйида ўзининг қандай натижаларини кўрсатаётганини, албатта, ҳисобга олиши, шарт. Шу сабабли ҳам биз бу борада туман партия кенгаши, депутатларимиз билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораемиз.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби бизнинг маҳалла ҳам йил сайин обод бўлиб бормоқда. Янги савдо дўконлари, тўйхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис

**Ўзбекистон ХДП қонунчилик томонидан берилган имкониятдан фойдаланиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича чоралар кўрилишига кўмаклашади.**

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.



**Жамила ШУКУРАЛИЕВА,**  
«Фаол аёллар» қаноти Жиззах вилоят бўлими етакчиси:

риш, меҳнат дафтарчалари ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини расмийлаштириш, юришти ва ундан фойдаланиш тартибларини тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Лойиҳанинг амалий натижаси сифатида ўтган йил давомида ҳамда жорий йилнинг шу даврига қадар 266 нафар хотин-қиз касаначилик, оилавий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда иш билан таъминланди.

«Соғлом бола соғлом оилада камол топади» лойиҳаси асосида биз

вилоятдаги 169 та КВП ҳамда 5 та оилавий поликлиника фаолиятини ўрганиб чиқаямиз. Уларнинг моддий-техник базаси, мутахассислар билан таъминланганлиги даражаси, яратилган шарт-шароитлар ўрганилмоқда. Мисол учун, Мирзачўл туманидаги 4 та КВПда терапевт ва окулист мутахассислари йўқлиги аниқланди ва уларни тегишли мутахассислар билан таъминлаш масаласи юзасидан депутатларимиз соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этишди. Натيجида бу

масала ижобий ҳал этилди. Бизнинг хулосаларимиз ҳамда таклифларимиз ҳисобга олиниб, жорий йилда 4 та қишлоқ врачлик пунктини таъмирлаш ишлари тегишли дастурларга киритилди.

Партиямиз Ҳаракат дастурида 4 та туманда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масалаларини ўрганиш ҳамда унинг натижалари бўйича халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари кун тартибига масалалар киритиш вазифаси белгиланган. Айни пайтда «Фаол аёллар» қаноти ва депутатлар бу борада изчил иш олиб бормоқда.

Бу ишлар партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган хотин-қизлар манфаатлари билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг бугунги босқичида амалга ошириладиган ўзгаришлар самарадорлиги, кўп жиҳатдан бутун халқнинг ушбу жараёнлар мақсад ва вазифаларини тўғри тушунишига боғлиқ.**

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.



**Фарход МУСУРМОНКУЛОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши Тарғиботчилар гуруҳи аъзоси:

нафар таърибали тарғиботчи фаолият олиб боради. Тарғибот ишлари самараларини рақамлар билан кўрсатиш қийин. Лекин айнан тарғибот тад-

бирларимиз натижасида партиямизнинг хайрихоҳлари, тарафдорлари сонини ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Мисол учун, биргина жорий йилнинг

ўтган етти ойи давомида 550 нафар йигит-қиз партиямиз сафига қабул қилинди.

Бироқ яширишнинг ҳолати йўқ, айрим жойларда тарғибот ишлари ҳамон эскича усулда, яъни мажлисбозлик, маърузабозлик тартибиде ўтмоқда. Бунга мутлақо чек қўйиш керак. Тарғибот ишлари эркин фикрлаш, баҳс-мунозара асосида ташкил этилса, жонли ўтади, одамларга фойдаси тегади.

**ЎзХДП фаолияти бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, фойдалаш ва ҳимоя қилишга йўналтирилган.**

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.



**Дибр МУРОДОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

ҳал этилишига олиб келмоқда.

— Мурожаатлар асосан қайси масалаларда кўпроқ тушмоқда?

— Тахлиллар кўрсатаптики, бўлаётган мурожаатлар орасида энг кўп йили ишга жойлаштириш масаласи ташкил этаёпти. Биз қўшимча иш ўринлари ташкил этилишини янада кўпайтириш, бу борада мавжуд имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини устиде изчил иш олиб бораёلمиз. Ўтган йили вилоятда иқтисодий ноқарор, камқувватли ва фаолият кўрсатмаётган қорхона, 130 та бўш турган, 42 та аввалги хусусийлаштириш дастурига киритилган, аммо бугунги кунда бўш турган, 44 та қурилиш тугалланмаган объект ҳамда 20 та фойдаланилмаётган ер

ривожлантириш билан боғлиқ масала партия гуруҳимиз ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилган эди. Сессияда қабул қилинган қарор асосида ишчи гуруҳи тузилди. Тегишли тартибда вилоятда барча бўш турган объектлар хатловдан ўтказилди.

Натيجида 63 та камқувватда ишлаётган, 23 та фаолият кўрсатмаётган қорхона, 130 та бўш турган, 42 та аввалги хусусийлаштириш дастурига киритилган, аммо бугунги кунда бўш турган, 44 та қурилиш тугалланмаган объект ҳамда 20 та фойдаланилмаётган ер

майдонлари мавжудлиги аниқланган. Буларнинг барчаси ҳисобга олиниб, энгил саноат йўналишида 37 та, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 52 та, қурилиш саноатида 22 та, хизмат кўрсатиш йўналишида 123 та ва бошқа соҳаларда 22 та лойиҳа юзасидан иш олиб бориш белгиланган. Умуман, вилоят бўйича жами 256 та қорхонага инвестициялар, банк кредит маблағларини жалб қилиш режалаштирилган. Уларнинг амалга оширилиши натижасида 3560 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

Яқинда депутатларимиз мутахассислар иштирокида сессия қарори ижросини ўрганиб ва бир қатор камчиликларни аниқлади. Айрим туманлардаги қорхоналарда дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши тўлиқ таъминланмаган. Биз бу масалани яна халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига киритишни режалаштирдик.

**Партия қўшимча ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган қишлоқ сафининг босқичма-босқич камайиб боришини жамият фаровонлиги ўсишининг асосий кўрсаткичларидан бири, деб ҳисоблайди.**

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.



**Нодира ШАРИПОВА,**  
Олмазор тумани «Себзор» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

шоҳобчалари, спорт майдончалари барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси керак, албатта. Аммо бизда бир фикр туғилди: маҳал-

лада нега болалар кутубхонаси ташкил этиш ҳақида ўйламаямиз? Биз айнан шу ташаббус билан чиқдик. Маҳалла оқсоқоли, туман

партия кенгаши фикримизни қўллаб-қувватлади. Энди ишни охирига етказиш ҳаракатидемиз.

Ҳозир партиядошлар сўзларини тинглаб, менда бир тақлиф туғилди. Янги таърибга эга бошланғич ташкилотлар кўп. Лекин етарли таърибга эга бўлмаган қўйи бугун етакчилари ҳам оз эмас. Шу боис бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ҳудудий семинарлар ташкил этиб борилса, яхши бўлар эди.

аъзолари иштирокида маҳалламизда бир неча бор кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этди. Кам даромадли, ижтимоий натижаларини кўрсатаётганини, албатта, ҳисобга олиши, шарт. Шу сабабли ҳам биз бу борада туман партия кенгаши, депутатларимиз билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораемиз.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби бизнинг маҳалла ҳам йил сайин обод бўлиб бормоқда. Янги савдо дўконлари, тўйхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис

Шунингдек, давра суҳбатда халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгаши депутати Гулчехра Ўтбосарова, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Маъмура Ҳафизова, «Истикбол» ёшлар қаноти Бекobod туман бўлими етакчиси Зойир Аҳмедов, ЎзХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси Самарилдин Аъламовлар ҳам иштирок этишди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари газетамизнинг навбатдаги сонларида алоҳида-алоҳида бериб борилади.

— Ҳар бир партиянинг кучи, нуфузи, аввало, унинг амалий ишлари билан баҳоланади. — деди давра суҳбати якунида Сафар Остонов. — Бу ерда келтирилган мисоллар, билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики, партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича жойларда қўлаб амалий ишлар қилинмоқда. Партия ташкилотлари ва депутатларимиз электротартиб манфаатини муносиб ҳимоя қилиш учун астойдил курашмоқда. Биргина давра суҳбатда бу ҳақда батафсил тўхталишнинг имкони йўқ, албатта. Шу боис Сайловолди дастури ижроси бўйича жойлардаги ташаббуслар, уларнинг ҳаётини самаралари ҳақида бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия кенгашлари раҳбарлари, депутатларимиз ҳамда бошқа фаолларимиз тахририятимизга ёзиб юборса, миннатдор бўлар эдик.

Бекзод ШУКУРОВ,  
Гулрўх ОДАШБОВА тайёрлади.

# Қорақалпоғистон: Улкан лойиҳалар ва бунёдкорликлар

## Истиқдол имкониятлари

Яна бир мисол. Президентимиз раҳнамолигида ва Ҳукумат дастурлари асосида 2014-2016 йилларда Нукус шаҳри ва Беруний туманида 1 триллион 300 миллиард сўмлик реконструкция ва қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилиши назарда тутилган. Ҳозирги пайтда Нукус шаҳрида турар-жойлар қуриш, «Дўстлик» каналнинг икки қирғоғини ободонлаштириш ишлари қизғин бормоқда. Шунингдек, 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида 25 қўп қаватли уй қад кўтарди.

— Бу йил Республика бўйича давлат инвестиция дастури асосида 101 йирик объект қурилиши белгиланиб, унга 100 миллиард сўм маблағ ажратилган, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши бюртмачи хизмати инжиниринг компанияси техник назорати бўлими мутахассиси Одилбой Сайманов**. — Уларнинг кўпчилиги Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Нукус шаҳри марказидаги «Тошкент» меҳмонхонасидан эски шаҳар томон Қорақалпоғистон кўчаси бўйлаб ўтар экансиз, «Дўстлик» канали кўпригидан бошлаб, замонавий илҳам ва кўркем 4 қаватли турар-жойлар кишини ўзига мафтун этади. Бу уларнинг бири «Нукус цемент қурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул қурувчилари томонидан қад ростланмоқда.

— 32 хонадонга мўлжалланган, 4 қаватли турар-жойнинг лойиҳа қиймати 5 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этади, — дейди **МЧЖ иш юритувчиси ўринбой Камолов**. Бу уйларда яратилган

шарт-шароитлар одамларга жуда ҳам маъқул бўляпти. «Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу» халқаро магистрал автотрассасининг реконструкция ишлари жаҳдиди аҳамият қаратилмоқда. Унинг 723, 743, 757, 762 ва 765-километр ораллигида ишлар қизғин. Бу қурилиш ишларига 39 милли-




ард сўм маблағ ажратилган. — Нукусдаги бунёдкорликлар Ватан равнақи, юрт келажиги, ҳаёт фаровонлиги йўлидаги улкан ишлардан ҳисобланади, — дейди **ЎзҚДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Қуватбой Курбанбоев**. — Дастур-

га мувофиқ шаҳар худудини кесиб ўтувчи «Дўстлик» каналнинг 2,5 километр қисмида йирик қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу худудда аквапарк ва мусикали фавворалар, спорт майдончалари, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши режалаштирилган. Шаҳар худудидаги эски уйлар ўрнида замонавий 54 та 4 қаватли турар-жойлар қад кўтарди. Бу ишларнинг ҳаммаси халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш бериш мақсадида қилинмоқда.

## УСТОРТ КИМЭ МАЖМУИ: ГЛОБАЛ БИТИМ, ГЛОБАЛ ЛОЙИХА

Қорақалпоғистондаги бунёдкорликлар ҳақида гап кетганда, Усторт газ-кимё мажмуаси ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Лойиҳанинг умумий баҳоси 3 миллиард 892 миллион долларлик бу корхона Корея компаниялари консорциуми қатнашувидан «ЎзҚорғазкемикал» қўшма



кимё мажмуасига 50 километрлик техник ва ичимлик сув билан таъминловчи ўтказгичлар тортилмоқда. Шунингдек, мажмуага темир ва автомобиль йўллари тушатирилди. Режа бўйича мажмуа 2016 йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилади. Мажмуа қурилиш майдонларида «ЎзҚорғазкемикал» қўшма корхонаси билан Кореянинг «Самсунг», «Хюндай» ва «Жи-Эс инжиниринг» компанияларининг бўлимларида 6 мингдан кўпроқ одам ишлайди, шундан 4 минг нафарини маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил қилади.

Ушбу мажмуа Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунасидир. Унинг амалга оширилиши натижасида йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полипропилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони беради. Усторт газ-кимё мажмуаси нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири. «Project Finance International» халқаро

нашри мазкур мажмуа лойиҳасини нефть-кимё ва газ-кимё секторидида 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган эди. Шунингдек, у «Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» нашрларининг «2012 йилнинг энг яхши битими» халқаро мукофотларига ҳам сазовор бўлган. 2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади. Мазкур лойиҳа қўшма корхона муассислари бўлган Жанубий Кореянинг «Kogas», «Lotte Chemical», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекинефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, 2,5 миллиард доллардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Лойиҳани молиялаштиришда Осмё тараққиёт банки, Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (Хитой), ING (Нидерландия),

Hermes, KfW, Bayern LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), EKN, Nordea, SEC (Швеция) каби тараққиёт банклари ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашган банкларга суғурта тўловларини тақдим этган экспорт-импорт агентликлари сингари нуфузли молия муассасалари иштирок этаётгани ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далolat беради.

... Усторт кенгликларидан юриб, атрофга қаранг, бу заминда сир-синоат кўмилиб ётганга ўхшайди. Кимсаиз, қуш унча қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бу текисликларда одамлар мўъжиза яратмоқда. Бу бепоян жазирама саҳрога ҳаёт бахшида эътипти. Хувиллаб, қақраб ётган ерлар энди одамлар манфаатига, уларнинг бахт-саодати ва фарон турмушига хизмат қилади. Бу ерларда ҳаёт яшанмоқда, одамлар яратиш, бунёдкорлик ишлари билан банд...


**Реймбой ЭШИМБЕТОВ, Мнажратдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**



## Фойдаланилган ёнилғидан

яна ёнилғи олиш мумкин

Бугунги илм-фан қудрати ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли. Транспортда фойдаланилган, яъни ёниб бўлган ёнилғини яна қайтадан ёнилғига айлантириш усулининг кашф қилиниши таъсирли лойиҳа.



Гап шундаки, «EC Solar-jet» лойиҳаси тадқиқотчилари керосин тутунини яна ёнилғига айлантириш назариясини яратдилар.

Россия нефть ва газ университетининг умумий ва неорганик кимё кафедраси мудири Алексей Дедовнинг «Аргументы и факты» ҳафталиги мухбирига берган интервьюсида айтишича, мазкур янгилик технологияси қуйидагича: углеводород ёнилғиси ёнган, карбонат ангидрид газ ва сувга айланади. Улардан эса махсус ёруғлик таъсирида синтетик газ ҳосил қилинади. Сўнг реакторнинг юқори ҳарорати ёрдамида яна транспорт ёнилғисига айлантирилади.

Аmmo шунга таъкидлаш лозимки, қайта тикланувчи керосин ҳақида гапиришга ҳали эрта. Негаки, Европа олимлари ёнган ёнилғидан яна ёнилғи олишнинг амалда тўлиқ уддасидан чиқилган йўқ. Фақат синтетик газ олишга эришганлар. Уни ёнилғига айлантиришнинг эса илмий назарияси яратилди холос.

Шу нарса аниқки, саноат корхоналарида бу усулда углеводород, спирт (масалан, метил спирти) олиш мумкин. Россияда ҳам бундай технология мавжуд.

## Табиий ёнғин

ўрмонларга қирон келтирмоқда

Мэриленд университети мутахассислари коинотдан олинган суратларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келдилар, дея хабар беради «Аргументы и факты» ҳафталиги, кейинги 12 йилда, аниқроғи, 2000 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда она сайёрамизда 2,3 миллион квадрат километр майдондаги ўрмон йўқ бўлиб кетган.



Энг кўп йўқотиш Россия зиммасига тўғри келмоқда: 365 минг квадрат километр.

Бугунги кунда ўрмонзорлар қисқариб боришининг учта асосий омил мавжудлиги экспертлар томонидан алоҳида таъкидланди. Жумладан, бу офатнинг асосий сабабчиси ўрмонларда юзага келадиган табиий ёнғинлар бўлиб, 2012 йилнинг ўзида Россияда 5 миллион гектар майдондаги ўрмон ёнғин остида қолган.

Мутахассисларнинг айтишларича, ёнғинларнинг бундай тарзда кенг тулиши кейинги пайтларда ёнғинга қарши ва унинг олдини олиш юзасидан чораларнинг етарли даражада қўрилмаётганидир.

Ўрмонлар қисқаришига сабаб бўлаётган иккинчи омил бу дарахларнинг ҳужасизларча кесиби кетилишидир. Афсуски, бундай ҳужасизликлар бўйича статистик маълумотлар мавжуд эмас. Учунчи омил эса фойдали қазилма бойлик илннжидан кен қазилган шиларнинг жадал тул олаётгани ва аҳоли яшаш майдонларининг кенгайиб бориши оқибатида ўрмонлар қисқариб бормоқда.

## РЕКЛАМА

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

Сизларни 2014 йил 16, 18, 23 ва 25 сентябрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари кўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«KINDER FRUITS» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш	16 450 897 500,0	7 269 733,26
2.	«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй	Пахта целлюлозаси ва этил техник спирти ишлаб чиқариш	59 142 493 600,0	28 997 104,14
3.	«NAMANGAN QOQ'OZI» МЧЖ	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй	Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш	3 970 500 000,0	1 802 969,76
4.	«ASIA SOKATO» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй	Минерал сув, мевали джем ва сабзавотли консервалар ишлаб чиқариш	1 463 700 000,0	717 640,71
5.	«NUKUS AGRO» МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули	Томат пастасини ишлаб чиқариш	1 785 453 700,0	853 018,82
6.	«ASAKA MAK» МЧЖ	Андижон вилояти, Асак шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй	Макарон ишлаб чиқариш	3 546 012 000,0	1 610 213,42
7.	«VODIY MUZQAYMOG'I» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй	Музқаймоқ ишлаб чиқариш	1 064 409 000,0	521 871,45
8.	«KOSONSOY TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси	Трикотаж ипи, жунли ва ярим жунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш	24 500 000 000,0	11 125 238,40
9.	«ROYAL SILK» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй	Табиий ипак ишлаб чиқариш	5 051 423 000,0	2 232 248,90
10.	«NAM TEX» МЧЖ	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-б уй	Ип-калага ишлаб чиқариш	10 787 016 789,82	4 898 291,16
11.	«NAMANGAN TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичи туман, Тўқимачилар кўчаси	Ип-калага ишлаб чиқариш	62 941 505 000,0	28 228 561,11

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари: Савдо солиби улунинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда

сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Савдо объекти, хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарт билан сотилади. Тўғридан-тўғри музокаралар

ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсга гаровга (ипотекага)

қўйиш ҳужжасиз (сотувчи — «Уэмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади. Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим. Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ ха-

ражатлар (шу жумладан, но-тариял тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссияно тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдонини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: — сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Савдода иштирок этиш учун талабгорлар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган улушлар бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизи миқдоридида зақалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг

АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаши лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо ўтказиш бошланишидан камидан уч соат олдин тўхтатилади. Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар ҳисобидан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб таъиниш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).** Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; тел/факс: 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; тел/факс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2014 йил 24 ва 29 июль кунлари ўтказилган очик аукцион савдо натижаларига кўра, тугатилаётган ХОАТБ «АЛП ЖАМОЛ БАНК» балансидаги д/р 01/975ZCA бўлган «JINBEI» — 16 200 000 сўмга, д/р 01/976ZCA бўлган «JINBEI» — 16 200 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг «OQ SAROY TEXTILE» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 56 670 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

# Мустақиллик — озодлигимиз, ободлигимиз гарови

Ким эдиру, ким бўлдиқ?

Мамлакатимизда деҳқончилик маданияти ҳақида гап кетса, яқин-яқингача фарғоналик деҳқонлар тажрибаси ибрат қилиб кўрсатилади эди. Бугун Хоразм вилоятида ҳам, ҳар мавсумда ердан икки марта ҳосил олиш оdatга айланди. Урганч туманидаги Қорамон қишлоғи аҳли эса уч марта ҳосил олмоқда.

— Қишлоғимиздаги 2347 хонадонда ўн икки минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, партия-миз фаоли Илхом Тоиров. — Аҳолига 604 гектар қўшимча томорқа учун ер ажратиб берилган. Бугун 890 хонадон ҳовли томорқаси ва дала томорқасида иссиқхонага эга. Иссиқхона деганимиз битмас-туганмас даромад манбаи. Фақат миришкорлик керак, ишлаш керак.

Иссиқхона тизимидан йилга уч марта ҳосил олина-

ди. Бу жуда оддий, босқинчи жараён. Сентябрьда бодринг, помидор кўчатлари экилади. Икки ойдан сўнг пишган ҳосил бозорга чиқарилади. Бу даврда воҳада ҳаво илик келади, яъни иссиқхона кўшдан табиий қизийди. Ичқарида ҳарорат ташқаридагидан икки баробар юқори бўлганидан экин ривож, ҳосил тугиши ва пишши жараёни тезлашади. Сўнгра иссиқхонага турли кўчатлар — исмаоқ, петрушка экилади ва март ойларига навбатдаги ҳосил кўтари-

лади. Учтинчи ҳосил сифатида эса яна бодринг, помидор ва булғор қалампир кўчатлари ўтказилади. Июлга келиб, навбатдаги ҳосил йиғиштириб олинади. Августда эса бир ой давомида иссиқхонага дам берилади. Сўнг навбатдаги ҳосил мавсуми бошланади...

— 20 сотих иссиқхонамиз бор, — дейди Хушнуд Матқонов.

Иссиқхонани қуришга кетган барча сарф-харжни бир мавсумдаёқ қоплади. «Ўзбекистон-Корея» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган полистилен плёнкалар анча мустаҳкам, пишқик. Тўрт мавсумга етади. Уруғлик ўзимиздан. Одатда эрталаб ва кечки пайт икки-уч соат иссиқхонада ишлаймиз. Даромадини сўраясизми? «Дамас» машини бор. Ўтган йили «Ласетти» олдик. Бу бир йиллик даромаддан. Яна қиш-у ёз кўчатлар, помидор, бодринг дастурхонимизда муҳайё.

Уста боғбон Собир Хожиевнинг айтишича, истиқлолгача қишлоқда колхозга гишли ярим гектаргина ис-

сиқхона бўлган. Ҳавасмандлар кўп бўлган-у, сийёсат бунга изн бермаган. Истиқлол эълон қилиниб, қўшимча томорқа ажратилгач, оммавий тарзда барча шу юмуш бошини тутди. Қишлоқдан «Кулобод», «Лайлакёп» ариқлари оқиб ўтади. Ерлар ҳосилдор. Воҳанинг бошқа қишлоқларидан фарқи бу ерда бугдойдан бўшаган далаларга иккинчи ҳосил сифатида шолимас, асосан полиз маҳсулотлари экилади. Кузги помидор ва бодринг ҳам очик майдонларда етиштирилади.

Қорамонлик уста миришкорлар етиштирган нематларни нафақат вилоят маркази Урганч шаҳри, балки қўшни туманлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний туманлари аҳли ҳам харид қилади. Бу махсулотлардан воҳада таъриф буюраётган минглаб хорижлик сайёҳлар ҳам баҳраманд.



Уста олган сурат.

— Қишлоқ аҳли ўта миришкор. Айнан иссиқхоналар туфайли бой ва фаровон яшашмоқда, — дейди шу худуддан вилоят кенгаши депутати, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров. — Ўтган йилларда 110 та намунали турар-жойлар қурилди. Бу йил яна 54 та қуриляпти. Янги замонавий уйлар, кенг равоқ қўчалар бунёд этилмоқда. Томорқаларда, боғларда мўл-кўл ҳосил етиштирилмоқда. Одамларнинг рўзғори бутун, кўнгли тўқ, ҳаёти фаровон. Буларнинг бари мустақиллик берган имкониятлар меваси. Ким эдиру, ким бўлдиқ, саволига Қорамон қишлоғи ва унинг аҳолиси ҳаёти мисолида жавоб олиш мумкин.

— Тонгда ишга чиқаётиб, бир соатлар иссиқхонада ишлайман, — дейди Илхом Тоиров. — Кўм-кўк кўчатлар кўзни яшнатади, ҳар бири меҳрингни олади. Иссиқхона орқасидан фарзандларимга иморатлар қурдим, иниларим кўша-кўша машиналик бўлди. Қишлоғимиз гуллаб-яшнапти. Ҳар кўчада янги иморат қуриляпти, ҳар куни қишлоғимизга янги машина кириб келаётир... Шуларнинг ҳаммасига қараб шукр қиламан, шу кунларга етказганига шукр, дейман, юртимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Рўзимбой ҲАСАН,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## Реклама ўрнида



Сармоялар юртдошларимиз имкониятларини янада кенгайтормоқда

Мамлакатимиз банк тизими томонидан жорий йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 7,5 триллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига мазкур сармоялардан 4,8 триллион сўмдан ортиғи ажратилган. Тижорат банклари молиявий кўмаги туфайли қўллаб-қувватлашнинг, айниқса, касб-хунара коллежлари битирувчиларининг бизнес-режалари ва иқтисодий ташаббуслари рўбega чимқмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярмида «Равнақ-банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки томонидан иқтисодиётга йўналтирилган сармоялар ҳажми 9,59 миллиард сўмни ташкил этди. Маблағларнинг 6,40 миллиард сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилди.

Молия муассасаси мижозлари билан мулоқотимиз шулар ҳусусида бўлди. Жумладан, пойтахтимиздаги «IMRONJON RIVOL BARAKA» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жавлон Қосимов шундай дейди:

— Юртимизда кулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, имтиёз ва рағбат берилётгани эзгу ишларимизда қанот бўлмоқда. Корхонамизда қурилиш материаллари, бўёқлар тайёрлаш учун зарур бўлган микрокальцит ишлаб чиқарилади. Йил бошида «Равнақ-банк»дан олган 92,97 миллион сўм миқдоридagi узоқ мuddатли кредит фаолиятимизни кенгайтиришга имкон берди. Молиявий кўмак ва ҳамкорликдан мамнунимиз.

— Молиявий ҳамкор сифатида «Равнақ-банк»ни танлаганимиз бежиз эмас, — дейди банкнинг яна бир мижози пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «TIMUR OMADLI BIZNES» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Санжар Ҳакимов. — Банкнинг имтиёзли 108,51 миллион сўмлик узоқ мuddатли ва 24,65 миллион сўмлик қисқа мuddатли имтиёзли кредитларидан унумли фойдаланиб, аҳолига умумовқатлаш хизматларини йўлга қўйдик. Кредит ҳисобидан янги иш ўринлари ҳам яратдик. Келгусида «Равнақ-банк» билан ҳамкорликда фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

— Корхонамизда хонадонларимиз кўрки бўлган тури белёв ва уй жиҳозлари ишлаб чиқарилади, — дейди «EURO TASHKENT EXPORT» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдусаттор Фаттохов. — «Равнақ-банк» билан самарали ҳамкорлигимиз фаолиятимизда кўл келяпти. Жорий йил бошида банкдан ажратилган 125,16 миллион сўмлик узоқ мuddатли кредит ҳисобига зарур техника сотиб олдик. Махсулотлар турларини кенгайтириб, қўшимча иш ўринларини яратишни кўзлабтирдик. Бунда албатта «Равнақ банк» кўмагига суянамыз.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

# Архив — тарих кўзгуси

Архивимиз яқинда икки қаватли янги бинога кўчиб ўтди. Бу замонавий иншоот билан олдинги кўрмисиз бинони таққослайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқини кўрамиз. Тўғриси, мустақиллик йилларида архивларга муносабат тубдан ўзгарди.

Архивларга ҳужжатлар сақланган жой, деб эмас тарих кўзгуси сифатида қарала бошланди. Аслида 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингани, 2010 йилда эса мазкур Қонунга ўзгаришлар киритилиб, «Архивлар иши тўғрисида»ги янги Қонуннинг амалга киритилиши, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид бир неча қарорларининг қабул қилиниши архив соҳасида ишчи янгилаш ташкил этишга йўл очган эди.

Бугун эса архивларимизда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга киришдик. Ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилмоқда, ҳужжатларнинг янги сақланиши, уларнинг умрини узайтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қоғоз асосидаги ҳужжатларнинг жисмоний сақловини таъминлаш, жумладан, ҳужжатларни таъмирлаш, муқовалаш



ва тиқиб борасида ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўта кимматли ҳужжатларни аниқлаш, архив ҳужжатларининг электрон нусхасини яратиш соҳаларида ходимларимиз доимий изланишда.

Архив ходимларининг муҳим вазифаларидан бири — илмий маълумотлардан банкни ташкил этиш ва ривожлантиришдир. Айнан шундай вазифаларга фондлар ва ҳужжатлар ҳисоби, ҳужжатлар мавжудлигини текшириш, ҳужжатларни таъмирлаш режаси 250 саклов бирлиги ўрнига 300 саклов бирлигини, муқовалаш 250 саклов бирлигини ташкил этди.

Корхона ва ташкилотлардан олти ой давомида 5490/3652 саклов бирлигидаги бошқарув ҳужжатлари қабул қилинди. Бу ўтган

Муассасамиз Самарқанд, Ургут ва Тайлоқ туманларига хизмат қилади. Демак, зиммадаги масъулият катта, баҳариландиган ишлар ҳажми кенг. Архивда 759 фондга бирлашган 66751 саклов бирлигидан иборат доимий сақланган ҳужжатлар мавжуд. Яна 14661 саклов бирлигидagi шахсий таркибга оид ҳужжатлар бўлиб, жами 158 саклов бирлигидagi ҳужжатлардан иборат яна иккита фонд қабул қилинди. Барча ҳужжатлар сақловидagi ўзгаришлар аниқланиб, улар таъмирланди, картонга ўраб чиқилди. Ҳужжатлар муқовалари янгиланди, сўзгурта фондлари яратилди. Ҳужжатларни таъмирлаш режаси 250 саклов бирлиги ўрнига 300 саклов бирлигини, муқовалаш 250 саклов бирлигини ташкил этди.

Корхона ва ташкилотлардан олти ой давомида 5490/3652 саклов бирлигидаги бошқарув ҳужжатлари қабул қилинди. Бу ўтган

йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан беш бараварга кўп демакдир. Давлат архивлари ҳужжатларининг қимматлигини экспертизалаш, ташкилотлар ва корхоналар иш юритишидаги ҳужжатларни ташкил этиш ва текширувни амалга ошириш, ташкилот ва корхоналар ҳужжатларини шартнома асосида тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам кўнгиладигидек. Пуллиқ хизмат кўрсатишда эса режадаги 20 миллион ўрнига 27,5 миллион сўмлик кўрсаткичга эришдик.

Олти ойда фуқаролар, ташкилотлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралардан 2719 ариза ва сўровлар келиб тушди. Уларнинг 1940 таси ижобий ҳал этилди. 779 таси кўриб чиқилиб, эгаларига жавоб берилди. Давлат архиви қошидаги ҳужжали ҳисобида ишловчи архивчилар гуруҳи ҳисобига тушайотган маблағлардан ишчи-хизматчилар иш ҳақини бериш, уларга моддий ёрдам уюштириш, техникаларни таъмирлаш, кузатув мосламаси, видеокамера ҳамда идора ашёлари харид қилишда фойдаланилмоқда.

Архивимиз мижозлари сони йил сайин кўпайиб бораёпти. Бизнинг вазифамиз эса «Ўзархив» агентлиги, вилоят архив иши бошқармаси раҳбарлигида уларга кўнгиладигидек хизмат кўрсатиш. Нераки, архив тарих кўзгуси.

Маъмур ҚОДИРОВ,  
Самарқанд туман давлат архиви  
директори.

## ЭЪЛОН

### Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

#### СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

2014-2015 йилларда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шартли билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

#### ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш мuddати
1.	Жинойат ишлари бўйича Ургут туман суди маъмурий биноси қурилиши	1 402 163 674 сўм	1 682 596 409 сўм	12 ой

Қурилиш ишлари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Суд департаментининг Самарқанд вилоят худудий бошқармаси

Манзили: Самарқанд шаҳри, М.К.Отатурк кўчаси, 21-уй, телефон: (8366) 233-74-15.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат давлат реестрига

кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши керак: танлов савдолари предмети қўйиматининг камида 20 фозизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартнома-лар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқи лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мам-

лакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўк-Саарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишниги охириги мuddати — оферталар очилиш куни ва соатиғача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, М.К.Отатурк кўчаси, 21-уй, Суд департаментининг Самарқанд вилоят худудий бошқармаси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

# Андижонлик ёшлар — биринчи

## Болалар спорти

Навоий шаҳрида Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида энгил атлетика бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада югуриш, узоқликка сакраш, эстафета баҳсларида ҳар бир вилоятдан 4 нафар ўғил ҳамда 4 қиз болалардан иборат жамоалар голиблик учун баҳслашди.

Якуний натижаларга кўра, Андижон вилояти ёш спортчилари биринчи, Тошкент шаҳри жамоаси иккинчи ва Самарқанд вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

— Қизгин кечган мусобақанинг 1500 ва 800 метрга югуриш ҳамда эстафета баҳсларида тўртта олтин медални кўлга киритдим, — дейди Андижон вилояти 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Хумоюн Махмудов. — Президентимиз раҳнамолигида ёшларга яратилаётган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, келажакда халқаро миқёсда ҳам юксак натижаларга эришишни мақсад қилганман.

Н.РАҲИМОВ,  
ЎЗА мухбири

## ОБ-ҲАВО 14-15.08 — 2014

### Юртимиз бўйлаб (°C)

#### Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+20 / +25 +30 / +35

#### Бухоро ва Навоий вилоятлари

+22 / +27 +34 / +39

#### Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+18 / +23 +34 / +39

#### Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+20 / +25 +37 / +42

#### Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+18 / +23 +34 / +39

#### Тошкент шаҳри

+21 / +23 +33 / +35



### Дунё бўйлаб (°C)

Лондон	+22 / +22
Париж	+22 / +19
Москва	+27 / +24
Мадрид	+28 / +30
Пекин	+30 / +31
Канберра	+16 / +16
Рим	+28 / +29
Афина	+34 / +35
Токио	+31 / +33
Стокгольм	+23 / +23
Кейптаун	+17 / +20
Қоҳира	+35 / +35
Гавана	+33 / +33
Вашингтон	+27 / +27

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази директори **Ҳоджибай ГАМПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази директори **Ҳоджибай ГАМПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

## МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

## TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq nashriyot-matbaa boshqaruvi tomonidan boshmaxonasi chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 860 11449 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 20.25 Topshirilgan vaqti — 22.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZOROV

